3

O"zbekiston Respublikasi
Buxoro viloyati
Qorako'l tuman hokimi
Q A R O R I

Ўзбекистон Республикаси
Бухоро вилояти
Қоракўл туман ҳокими
Қ А Р О Р И

"20" июнь 2018 йил Қоракўл туман № 984

Қоракўл туманида 2018 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 15-17-моддаларига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 97-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги "2018 йилда Аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3506-сонли ҳамда вилоят ҳокимининг 2018 йил 7 февралдаги 75-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги "2018 йилда Аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3506-сонли ҳамда вилоят ҳокимининг 2018 йил 7 февралдаги 75-сонли қарорлари раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан:

2018 йилда доимий иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш прогноз параметрлари 1-иловасига мувофиқ;

фаолият кўрсатмаётган, кам қувватли ва фойдасиз хусусийлаштирилган корхоналарни тиклаш бўйича инвестиция лойиҳалари ва "йўл харита"ларини амалга ошириш ҳисобига иш ўринларини ташкил этиш прогноз параметрлари 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2018 йилда банд бўлмаган аҳолини жамоат ишларига жалб этиш прогноз праметрлари 3 ва 3а-иловаларга мувофиқ;

якка тартибдаги тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига иш ўринларини ташкил этиш прогноз параметрлари 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан 2018 йилда банд бўлмаган шахсларни касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш, ҳамда ишсизлик нафақасини тўлаш прогноз параметрлари 5-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари кесимида 2018 йилда банд аҳоли сони чораклик ўсиши прогноз параметрлари 6-иловага мувофиқ 2018 йилда Аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастури тасдиқланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда зарур ҳолларда ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бўйича алоҳида тасдиқланадиган давлат дастурларига мувофиқ Давлат дастури прогноз параметрларига асосланган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилганлиги;

2018 йилда Аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастурини амалга ошириш бўйича Концепция ва Комплекс чора-тадбирлар бўйича комплекс чора-тадбирлар 7-ва 8-иловаларга мувофиқ тасдиқланганлиги;

Аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастурини ишлаб чиқариш ва бажарилишини мувофиқлаштириш бўйича доимий фаолият юритувчи ҳудудий, туман ишчи комиссиясининг намунавий таркиби 9-10-иловаларга мувофиқ тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

3. Қоракўл туманида 2018 йилда доимий иш ўринларини ташкил этишнинг прогноз параметрлари ва Қоракўл туманида 2018 йилда доимий иш ўринларини ташкил этишнинг прогноз параметрларининг ойма-ой кўрсатгичлари 1, 1-а-иловаларга мувофиқ;

Қоракўл туманида 2018 йилда аҳолини вақтинчалик бандлигини таъминлашнинг прогноз параметрлари ва Қоракўл туманида 2018 йилда аҳолини вақтинчалик бандлигини таъминлашнинг ойма-ой кўрсатгичлари 2, 2а-иловаларга мувофиқ;

Қоракўл туманида 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан банд бўлмаган аҳолини жамоат ишларига жалб этишнинг прогноз параметрлари 3-иловага мувофиқ;

Қоракўл туманида 2018 йилда Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишсиз фуқароларни касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш ҳамда ишсизлик нафақаси тўлашнинг прогноз параметрлари 3а-иловага мувофиқ;

Қоракўл туманида 2018 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг прогноз параметрлари 4-иловага мувофиқ;

Қоракўл туманида 2018 йилнинг чораклар кесимида аҳоли бандлиги ўсишини таъминлашнинг прогноз параметрлари 5-иловага мувофиқ;

Қоракўл туманида 2018 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастури параметрларининг амалга оширилишини ташкил қилиш бўйича туман ишчи комиссияси таркиби 6-иловага мувофиқ;

Қоракўл туманида 2018 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастури параметрларининг ижросини назорат қилиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи туман ишчи гуруҳи таркиби 7-иловага мувофиқ;

Қоракўл туманида 2018 йилда “Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси”ни ўтказиш жадвали 8-иловага мувофиқ;

Қоракўл туманида 2018 йилда тумандаги “Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси”ни ўтказиш жадвали 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорнинг 1.3-иловасига мувофиқ 2232 та иш ўрнини ташкил қилиш қисми бўйича:

туман иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлими (И.Субхонқулов) Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакат ҳудудларига амалга оширган ташрифлари якуни бўйича туманни комплекс ривожлантириш ва тармоқларни ривожлантириш дастурлари доирасида тасдиқланган лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида 1371 та доимий иш ўринларини;

туман хокимининг ўринбосари томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, аввал хусусийлаштирилган объектлар базасида инвестиция лойиҳалари ҳамда хусусийлаштирилган ташкилотларни ривожлантириш “йўл харита”ларини амалга ошириш асосида 62 та янги иш ўринларини;

туман архитектура ва қурилиш бўлими (Р.Рўзиев) томонидан қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар, кўп қаватли турар-жойлар, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммунал инфратузилма қурилиши ҳисобига 244 та иш ўринлари ҳамда янги мактабгача таълим ва таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт объектларини қурилиши ва реконструкция қилиниши натижасида янги ижтимоий инфратузилма муассасаларини ишга тушириш ҳисобига 19 та иш ўринларини;

тумандаги барча тижорат банклари (лавозимга кўра), туман давлат солиқ инспекцияси (Н.Болтаев) томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, текшириш ўтказишга 2 йиллик моратория каби солиқ имтиёзларини тақдим этиш, имтиёзли микрокредитлар ажратиш ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ишчиларни ёллашни рағбатлантириш ҳисобига 536 та иш ўринларини;

Қоракўл туман Ҳунармандчиликни ривожлантириш маркази (С.Тўхтамуродов) томонидан ҳунармандчилик марказларини ташкил этиш, бўш турган биноларни ҳунармандларга ажратиш, уларни хом-ашё ва материаллар билан таъминлаш ва ҳунармандчиликни ўргатишнинг “усто-шогирд” усулини кенг жорий этиш асосида ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига 114 та иш ўринларини;

туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (О.Меҳмонов) томонидан 777 та банд бўлмаган аҳолини, айниқса кам таъминланган оила аъзоларини жамоат ишларига жалб этиш орқали вақтинча банд этиш;

туман ҳокими ўринбосари (Н.Жумаев), туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (О.Меҳмонов) 640 та заҳира қилинган иш ўринларига таълим муассасалари битирувчилари, Қуролли Кучлар сафидан бўшатилган ёшлар, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганлар ҳамда бошқа

ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш, шунингдек 430 нафар ишсиз фуқароларни касбга ўқитиш марказларида касбга ўқитиш ва қайта тайёрлашни амалга ошириш;

туман аҳоли бандликка кўмаклашиш маркази (О.Меҳмонов) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги орқали 210 нафар фуқароларни чет элда ташкиллаштирилган тарзда ишга жойлаштириш топширилсин.

5. Туман Аҳоли бандлиига кўмаклашиш маркази (О.Меҳмонов), туман иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлими (И.Субхонқулов), туман давлат солиқ инспекцияси (Н.Болтаев) бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги "Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3182-сонли қарорига мувофиқ ҳудудий дастур параметрларини туман ва туманлар секторлар кесимида бўлинишини назарда тутган ҳолда, 2018 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш асосий йўналишлари ва Давлат дастури прогноз параметрлари асосида аниқ корхона ва лойиҳаларни кўрсатган ҳолда аҳоли бандлигига кўмаклашиш манзилли дастурларини;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 майдаги "Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги ва самарадорлигини оширишда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2960-сонли қарори талабларига мувофиқ 2018 йилда аҳоли бандлиги ўсишини таъминлаш ҳудудий прогноз кўрсаткичларини туман кесимида тайёрлаб, туман ҳокими тасдиғига киритсин.

6. Туман ҳокими ўринбосари, хотин қизлар кўмитаси раиси (С.Комилова), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман кенгаши (У.Бозорқулов) билан биргаликда кам таъминланган оила аъзоларини бандлигини таъминлаш бўйича "Хонқа методи"ни туманнинг барча ҳудудларида самарали жорий этиш мақсадида ўз-ўзини бошқариш органлари ходимларининг Миллий вакансия базасига кириши, базага янги вакансияларни киритиш ва ишга жойлаштиришга йўлланмалар бериш йўли билан маҳаллаларда аҳоли, айниқса аёллар ва ёшларни ишга жойлаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича "йўл-хариталари"ни ишлаб чиқиб тасдиқга киритсин.

7. Туман ҳокими биринчи ўринбосари (Б.Ғайбуллаев), туман иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлими:

ўз иш фаолиятида иқтисодиёт тармоқлари корхоналари ҳамда тадбиркорлик субъектларига улар фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтиришга тўсқинлик қилаётган муаммоларни жойларга чиққан ҳолда тизимли ҳал қилишда амалий ёрдам кўрсатиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 майдаги ПҚ-2960-сонли қарорига мувофиқ, узлуксиз икки чорак давомида ёки йил давомида уч чоракда прогноз кўрсаткичлари бажарилмаган тақдирда, жойлардаги ижро ҳокимияти органи раҳбарлари ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарлари томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлари қониқарсиз деб топилиши ва эгаллаб турган лавозимларига нолойиқлиги масаласи кўриб чиқилиши ҳақида огоҳлантирилсин.

8. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (О.Меҳмонов)га, туман иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлими (И.Субхонқулов), туман давлат солиқ инспекцияси (Н.Болтаев) тегишли корхона ва ташкилотлар билан биргаликда 2018 йилда Давлат дастури ижроси бўйича тизимли мониторинг натижаларини умумлаштирилишини таъминлаш ва натижаси юзасидан ҳар чоракда туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига тегишли маълумотларни тақдим этиш топширилсин.

9. Туман ҳокимининг ўринбосарлари ва туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (О.Меҳмонов)га:

ҳар чоракда комплекс йиғилишларда 2018 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашиш тармоқ дастурларини амалга ошириш жараёни ҳамда бошқармалар тасарруфидаги касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш масалаларини танқидий кўриб чиқилишини;

Давлат дастурининг манзилли рўйхатига киритилган ташкилотлар лойиҳа ишга туширилгандан кейин туман иқтисодиёт ва ҳудудларни коплекс ривожлантириш бўлими, ҳамда туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига лойиҳа амалга оширилиши натижасида ташкил этилган иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этилишини таъминласин.

10. Туман ҳокимининг ўринбосарлари, туман иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлими (И.Субхонқулов), туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (О.Меҳмонов):

дастур асосида 2018 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳудудий манзилли дастурларини ишлаб чиқиш;

дастур ижросининг бориши ҳақида ҳар ойда белгиланган муддатда туман ишчи комиссиясига ёзма ахборот тақдим этиш топширилсин.

11. 2018 йилда Аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастури параметрларининг ижросини назорат қилиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи туман ишчи гуруҳи (О.Меҳмонов)га:

Дастурда белгиланган тадбирларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш бўйича ташкилотчилик ишларини амалга ошириш, тегишли туман ташкилотлари бу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

ҳар ойнинг 25 санасигача бириктирилган ҳудудга чиққан ҳолда, 2018 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш туман дастури ижросини танқидий ўрганиб, бўлимлар ва мутасадди ташкилотлар иштирокида муҳокама қилиб бориш;

ҳудудий дастурларда белгиланган параметрлар ижросини таъминлашда йўл қўйилган камчиликлар ва муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чораларни кўриш;

белгиланган вазифаларни талаб даражасида бажармаётган тармоқлар, корхоналар, ташкилотлар ва ҳокимликлар раҳбарларининг масъулиятини янада ошириш юзасидан жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш учун туман ҳокимига таклифлар киритиб бориш;

ҳудудий дастурга киритилган объектларнинг ўз вақтида ишга туширилиши, дастур параметрларининг тўлиқ ва сифатли бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш;

дастур ижроси тўғрисида ҳар ой якуни билан кейинги ойнинг 5 санасига қадар туман ҳокимига ахборот киритиб бориш топширилсин.

12. Мазкур қарор "Қоракўл садоси" газетасида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

13. Қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

14. Мазкур қарор ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими **Ҳ.Ғойиров**

туман ҳокимининг 2018 йил
...июндаги .....-сонли қарорига
1-илова

Қоракўл туманида 2018 йилда доимий иш ўринлари ташкил этишнинг прагноз параметрлари

№	Ташкил этиладиган иш ўринлар йўналиши	Қоракўл туман
	Жами ташкил этиладиган иш ўринлари	**2 232**
	шундан:	
1.	**Иқтисодиёт тармоқларида янги ишлаб чиқариш қувватларини амалга ошириш ва фаолиятини кенгайтириш ҳисобига ташкил этиладиган иш ўринлари**	**1 371**
	шундан:	
	- саноатда	**921**
	- хизмат кўрсатишда	**197**
	- қишлоқ хўжалигида	**253**
2.	**Илгари хусусийлаштирилган корхоналарни ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳалари ва "йўл харитаси"ни амалга оширишда**	**62**
3.	**Йўл-муҳандислик инфраструктураси, кўп қаватли уйлар ва қишлоқ жойларида арзон уй-жойларни қуришда**	**244**
4.	**Ижтимоий инфратузилма объектларини амалга оширишда**	**19**
5.	**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожлантириш орқали иш ўринлари ташкил этиш**	**536**
	Шу жумладан: миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришда	**114**

Қоракўл туман ҳокими биринчи ўринбосари **Б.Ғайбуллаев**

Қоракўл туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори **О.Т.Меҳмонов**

Қоракўл туман ҳокимининг 2018 йил
.....июндаги .....-сонли қарорига
1а илова

Қоракўл туманида 2018 йилда доимий иш ўринлари ташкил этишнинг прогноз параметрларининг ойма-ой кўрсаткичлари

№	Ташкил этиладиган иш ўринлар йўналиши	Жами иш ўрни сони	ойлар кесимида											
			январь	февраль	март	апрель	май	июн	июль	август	сентябр	октябрь	ноябрь	декабр
	Жами ташкил этиладиган иш ўринлари	**2 232**	**121**	**133**	**149**	**214**	**228**	**228**	**181**	**200**	**244**	**161**	**177**	**198**
	шундан:													
1.	**Иқтисодиёт тармоқларида янги ишлаб чиқариш қувватларини амалга ошириш ва фаолиятини кенгайтириш ҳисобига ташкил этиладиган иш ўринлари**	**1 371**	**74**	**81**	**91**	**132**	**140**	**140**	**111**	**123**	**150**	**99**	**109**	**122**
	шундан:													
	- саноатда	**921**	**50**	**55**	**61**	**88**	**94**	**94**	**75**	**83**	**101**	**66**	**73**	**82**
	- хизмат кўрсатишда	**197**	**11**	**12**	**13**	**19**	**20**	**20**	**16**	**18**	**22**	**14**	**16**	**17**
	- қишлоқ хўжалигида	**253**	**14**	**15**	**17**	**24**	**26**	**26**	**21**	**23**	**28**	**18**	**20**	**22**
2.	**Илгари хусусийлаштирилган корхоналарни ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳалари ва "йўл харитаси"ни амалга оширишда**	**62**	**3**	**4**	**4**	**6**	**6**	**6**	**5**	**6**	**7**	**4**	**5**	**6**
3.	**Йўл-муҳандислик инфраструктураси, кўп қаватли уйлар ва қишлоқ жойларида арзон уй-жойларни қуришда**	**244**	**13**	**14**	**16**	**23**	**25**	**25**	**20**	**22**	**27**	**18**	**19**	**22**
4.	**Ижтимоий инфратузилма объектларини амалга оширишда**	**19**	**1**	**1**	**1**	**2**	**2**	**2**	**2**	**2**	**2**	**1**	**2**	**2**
5.	**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожлантириш орқали иш ўринлари ташкил этиш**	**536**	**29**	**32**	**36**	**51**	**55**	**55**	**44**	**48**	**59**	**39**	**42**	**48**
	шу жумладан: миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришда	**114**	**6**	**7**	**8**	**11**	**12**	**12**	**9**	**10**	**12**	**8**	**9**	**10**

Қоракўл туман ҳокими биринчи ўринбосари **Б.Ғайбуллаев**

Қоракўл туман Аҳоли бандлигига кўмаклаши маркази директори **О.Т.Меҳмонов**

11

Қоракўл туман хокимининг 2018 йил
.....июндаги ....-сонли қарорига
2-илова

Қоракўл туманида 2018 йилда аҳолини вақтинчалик бандлигини таъминлашнинг прогноз параметрлари

бирлик

№	Бандликнинг йўналишлари	Қоракўл туман
	Жами аҳоли бандлигини таъминлаш	**1417**
I	**Инфраструктура объектлари ва ободонлаштиришда, уй-жой қурилишида ҳамда мавсумий ва вақтинчалик ишларда**	**777**
1.	Ишсиз фуқароларни жамоат ишларига жалб қилиш	777
2.	Мавсумий ва бир марталик ишлар билан таъминлаш бюроси орқали вақтинчалик бандликни таъминлаш	
II	**Чет элдаги иш жойларига, заҳира (квота)ланган иш жойларига, бўш иш жойларига ишга жойлашиш**	**640**
1.	Иш топишда қийналадиган, ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли ва фуқароларни заҳира (квота) иш жойларига жойлаштириш	293
2.	Ишсизларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш орқали бандликни таъминлаш	137
3.	Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги орқали фуқароларни чет элларга ишга жойлаштириш	210

Қоракўл туман ҳокими биринчи ўринбосари **Б.Ғайбуллаев**

Қоракўл туман Аҳоли бандлигига кўмаклаши маркази директори **О.Т.Меҳмонов**

Қоракўл туманн ҳокимининг 2018 йил
.....июндаги .....-сонли қарорига
2а илова

Қоракўл туманида 2018 йилда аҳолини вақтинчалик бандлигини таъминлашнинг ойма-ой кўрсатгичлари

Т/р.	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2018 йил учун жами	шу жумладан ойлар кесимида											
				январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь
1	Квоталанган иш ўринларига ишга жойлаштириш	киши	**293**	9	9	23	31	31	31	36	36	30	18	21	18
2	Ишсиз ва банд бўлмаган фуқароларни жамоат ишларига жалб қилиш	киши	777	39	39	54	82	82	109	78	78	106	33	33	44
3	Вақтинчалик ва бир марталик иш билан таъминлаш бюроларида фуқароларни вақтинча бандлигини таъминлаш	киши													
4	Ишсиз фуқароларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш	киши	**137**	3	3	6	16	16	16	16	16	16	16	9	4
5	Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги орқали фуқароларни чет элларга ишга жойлаштириш	киши	**14**		1	1	1	1	2	1	1	1	1	1	3
Жами		**киши**	**1221**	**51**	**52**	**84**	**130**	**130**	**158**	**131**	**131**	**153**	**68**	**64**	**69**

Қоракўл туман ҳокими биринчи ўринбосари **Б.Ғайбуллаев**

Қоракўл туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори **О.Т.Меҳмонов**

Қоракўл туманн ҳокимининг 2018 йил …….июндаги ……-
сонли қарорига 3-илова

Қоракўл туманида 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан банд бўлмаган аҳолини жамоат ишларига жалб этишнинг
ПРОГНОЗ ПАРАМЕТРЛАРИ

№	Ҳудуд номи	Жами	шундан йўналишлар кесимида						
			Уй-жойлар, уй-жой коммунал инфратузилмаларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашда	Маҳалла ва аҳоли пункларини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришда	Қишлоқ хўжалигидаги мавсумий ишларда	Хўжалик юритувчи субъекларнинг бюртмаси бўйича хизматлар кўрсатиш	Суғориш ва мелиорация тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва техник хизмат кўрсатишда	Иккиламчи хом ашё ва чиқиндиларни тўплаш ва қайта ишлашда	Ижтимоий-маданий ва тарихий меъморий объектларни, қўриқланадиган табиий ҳудуларни ва табиий ҳудудларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш
1	Қоракўл туман	777	170	280	304	9	8	3	3

Қоракўл туман ҳокими биринчи ўринбосари **Б.Ғайбуллаев**

Қоракўл туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори **О.Т.Меҳмонов**

13

Қоракўл тумани ҳокимининг 2018 йил
.....июндаги .....-сонли қарорига
Зa илова

Қоракўл туманида 2018 йилда бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишсиз фуқароларни касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш ҳамда ишсизлик нафақаси тўлашнинг
ПРОГНОЗ ПАРАМЕТРЛАРИ

№	Ҳудуд номи	Ишсизларни касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш		Ишсизлик нафақаси	
		Сони	суммаси (млн.сум)	Сони	суммаси (млн.сум)
1	Қоракўл туман	137	57,5	10	5,8

Қоракўл туман ҳокими биринчи ўринбосари **Б.Ғайбуллаев**

Қоракўл туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори **О.Т.Меҳмонов**

15

Қоракўл тумани ҳокимининг 2018 йил
..Июндаги ...-сонли қарорига
4-илова

Қоракўл туманида 2018 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг
ПРОГНОЗ ПАРАМЕТРЛАРИ

№	Ҳудуд номи	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожлантиришда	шундан: ҳунармандчиликни ривожлантиришда
1	Қоракўл туман	536	114

Қоракўл туман ҳокими биринчи ўринбосари **Б.Ғайбуллаев**

Қоракўл туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори **О.Т.Меҳмонов**

Қоракўл тумани ҳокимининг 2018 йил …. июндаги …....
сонли қарорига
5-илова

Қоракўл туманида 2018 йилнинг чораклар кесимида аҳоли бандлиги ўсишини таъминлашнинг
ПРОГНОЗ ПАРАМЕТРЛАРИ

№	Ҳудуд номи	Чораклар кесимида банд аҳоли ўсишининг прогноз кўрсатгичлари			
		I чорак 2018 й.	II чорак 2018 й.	III чорак 2018 й.	IV чорак 2018 й.
1	Қоракўл туман	102,1	102,8	103,9	103,2

Қоракўл туман ҳокими биринчи ўринбосари **Б.Ғайбуллаев**

Қоракўл туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори **О.Т.Меҳмонов**

Қоракўл туман ҳокимининг 2018
йил .....июндаги .....-сонли
қарорига
8-илова

Қоракўл туманида 2018 йилда "Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси"ни ўтказиш
Ж А Д В А Л И

Т/р	Ҳудудлар номи	Жами	ойлар бўйича тақсимот														
			февраль	март	I чорак	апрель	май	июнь	II чорак	июль	август	сентябрь	III чорак	октябрь	ноябрь	декабрь	IV чорак
1	Қоракўл тумани	**8**	1		**1**	1	1	1	**3**	1	1		**2**	1	1		**2**
Жами:		**8**	**1**	**0**	**1**	**1**	**1**	**1**	**3**	**1**	**1**	**0**	**2**	**1**	**1**	**0**	**2**

Қоракўл туман ҳокимининг биринчи ўринбосари **Б.Ғайбуллаев**

Қоракўл туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори **О.Меҳмонов**

Қоракўл туман ҳокимининг 2018 йил
.....июндаги.....-сонли қарорига
9-илова

2018 йилда Қоракўл туманида “Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси”ни ўтказиш

Ж А Д В А Л И

Т/р	Ҳудудлар номи	Жами	ойлар бўйича таксимот														
			февраль	март	I чорак	апрель	май	июнь	II чорак	июль	август	сентябрь	III чорак	октябрь	ноябрь	декабрь	IV чорак
1	Қоракўл тумани	**4**					1	1	2		2		2				
Жами:		**4**					**1**	**1**	2		**2**		2				

Қоракўл туман ҳокими биринчи ўринбосари **Б.Ғайбуллаев**

Қоракўл туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори **О.Т.Меҳмонов**

Туман ҳокимининг 2018 йил
..... июндаги ..... -сонли қарорига
6-илова

Қоракўл туманида 2018 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастури параметрларининг амалга оширилишини ташкил қилиш бўйича туман ишчи комиссияси
ТАРКИБИ

Ҳ.Ғойиров	-	туман ҳокими, *ишчи комиссияси раиси*
Б.Ғайбуллаев	-	туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, *ишчи комиссияси раисининг ўринбосари*
С.Комилова	-	туман ҳокими ўринбосари - хотин-қизлар қўмитаси раиси, *ишчи комиссияси раисининг ўринбосари*
О.Меҳмонов	-	Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази бошлиғи, *ишчи комиссия котиби*

Аъзолар:

Б.Жумаев	-	туман ҳокими ўринбосари
Н.Жумаев	-	туман ҳокими ўринбосари
И.Бердиев	-	туман иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи
Ш.Шерназаров	-	туман ҳокимлиги молия бўлими бошлиғи
Ж.Матниёзов	-	Миллий банк бошлиғи
Ж.Азимов	-	Агро банк бошлиғи
Р.Чориев	-	Халқ банки бошлиғи
Р.Рўзиев	-	туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи
Ш.Давронов	-	туман статистика бўлими бошлиғи
С.Тўхтамуродов	-	Савдо-саноат палатаси туман ҳудудий бўлими бошлиғи
М.Фатуллаев	-	туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи
А.Болтаев	-	Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлими бошлиғи
Ё.Сафаров	-	Фермер ва деҳқон хўжаликлари кенгаши раиси
Н.Очилов	-	“Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлими раиси *(келишув асосида)*

Туман ҳокими биринчи ўринбосари **Б.Ғайбуллаев**

Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори **О.Т.Меҳмонов**

20

Туман ҳокимининг 2018 йил
..... июндаги ..... -сонли қарорига
7-илова

Қоракўл туманида 2018 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастури параметрларининг ижросини назорат қилиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи туман ишчи гуруҳи
ТАРКИБИ

О.Меҳмонов	-	туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори, *ишчи гуруҳ раҳбари*
Н.Болтаев	-	Туман ДСИ бошлиғи
Ж.Матниёзов	-	Миллий банк бошлиғи
Ж.Азимов	-	Агро банк бошлиғи
Р.Чориев	-	Халқ банки бошлиғи
Ш.Давронов	-	туман статистика бўлими бошлиғи
Ш.Шермуҳаммедов	-	туман ҳокимлиги молия бўлими бошлиғи
Р.Рўзиев	-	туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи
Ш.Давронов	-	туман статистика бўлими бошлиғи
С.Тўхтамуродов	-	Савдо-саноат палатаси туман ҳудудий бўлими бошлиғи
М.Фатуллаев	-	туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи
А.Болтаев	-	Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлими бошлиғи
Ё.Сафаров	-	Фермер ва деҳқон хўжаликлари кенгаши раиси
Н.Очилов	-	“Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлими раиси *(келишув асосида)*
Лавозимига кўра	-	Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари

Туман ҳокими биринчи ўринбосари **Б.Ғайбуллаев**

Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори **О.Т.Меҳмонов**